

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 5 июль • № 26 (943)

Замондошларимиз

ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

Истиклол шарофати билан мамлакатимизда улкан ўзгаришлар бўлиб, ҳар бир соҳада мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, тиббиёт тизимида ҳам ўзига хос янгиликлар, яъни жаҳон стандартларига мос шифо масканларининг бунёд этилганлиги ва уларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, шунингдек, малакали кадрлар билан таъминланганлиги дунё миқёсида Ўзбекистон тиббиётининг алоҳида ўрни борлигини кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони соҳани тубдан ислоҳ қилишда асосий босқични бошлаб берди. Давлат дастурига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни самарали амалга ошириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволаш-профилактика ҳамда санитария муассасалари томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига доир қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш, хусусий врачлик амалиётини ривож-

лантириш ҳамда рақобатдош тиббий хизматлар бозорини шакллантириш, тиббиёт соҳасида илғор хориж тажрибаларини жорий этиш, фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, тизимнинг марказий ва ҳудудий органларини юқори малакали мутахассислар ҳамда бошқарув кадрлари билан таъминлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Ана шундай ўзига хос тиббиёт мактабини яратишда ўзининг ҳалол меҳнати, кўп йиллик изланиши, илмий салоҳияти, қолаверса, инсонлар саломатлиги йўлида умрини тиббиётга бахшида этган қанчадан-қанча тиббиётимиз дарғалари номини фахр билан тилга олсак арзийди.

(Давоми 3-бетда).

Ҳайъат йиғилиши

ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАЛАР ДОИРАСИДА

Жорий йилнинг 29 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган фаолиятларга алоҳида урғу қаратиб, жойларда соҳага оид қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган самарали ишлар хусусида ўз фикрини билдириб ўтди.

Кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар бўйича мутасадди раҳбарлар маъруза қилдилар.

Биринчи масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек

Худаяров «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан тасдиқланган дастурга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятлари тиббиёт муассасаларида никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишга оид ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳудудларда никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлсада, бунинг баробарида айрим камчиликлар, яъни ҳужжатларни ўз вақтида тўлдирмаслик ҳамда хатоликларга

(Давоми 3-бетда).

«Ҳамшира – 2013»



ЗУККОЛИК, ШИЖОАТ ВА ИСТЕЪДОД УЙҒУНЛИГИ



Фахр билан айтиш муҳимки, йилдан-йилга ўз обрўсига эга бўлиб келаётган, шунингдек, республика тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган ҳамширалар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаётган, бунинг баробарида уларнинг билим ва тажриба бо-

бидаги салоҳиятларини юксалтираётган «Ҳамшира» кўрик-танловининг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётганлиги соҳа мутахассисларининг меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги Республика «Ҳамшира – 2013» кўрик-танлови пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ўзгача шуқу ва кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Барчамизга маълумки, республика танловига ташриф буюрган 14 нафар ҳамшира аввало, финал босқичига етиб келгунча Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кесимидаги туман ҳамда вилоят босқичларида билим, тажриба, истеъдод бобида ўзаро беллашиб, куч синашдилар. Албатта бу жараёнлар осон кечмайди, чунки ҳамширалар меҳнатини қамраб олган бешта шарт бўйича улар касбий маҳорат уйғунлигини намойиш этадилар. Шунингдек, амалиётдаги мураккаб жараён (биринчи ёрдам кўрсатиш) ҳамда катта саҳнада ҳакамлар ҳайъати ва кўп сонли томошабинлар олдида синовли дақиқалардан ўтишининг ўзи бўлмайди...

Пойтахтимизда бўлиб ўтган мазкур кўрик-танлов давомида

бир-биридан чаққон ва зукко ҳамширалар 26 июнь кунини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида амалиётда ўз билим ва касбий маҳоратларини намойиш этдилар. Улар биринчи ёрдамга келган беморларни қабул қилиш, анамнез йиғиш, муаммоларни аниқлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида этика-деонтологияни сақлаш, асептика-антисептика қоидаларига риоя қилиш, муолажаларни бажариш техникаси ва беморнинг аҳволини баҳолаш каби амалий қисмни чаққонлик ҳамда зийраклик билан бажардилар десак, муболага бўлмайди. 14 нафар ҳамшира тез ёрдам машинасида оғир аҳволда келган беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, хушмуомалалиги, айниқса, асептика-антисептика қоидаларига риоя қилиши, муолажаларни беҳато бажара олишлари диққатимизни жалб этди. Бу албатта, улардаги касбга бўлган меҳр юқори эканлигини кўрсата олди.

27-28 июнь кунлари танлов иштирокчилари юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, тарихий обидалар билан яқиндан танишиб, шу билан бирга давлат бошқаруви органлари раҳбар ходимлари билан учрашиб, суҳбатда бўлдилар. Авваламбор, қизларимиз Мустақиллик майдонидаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, сукут сақлашди. Улар тинчлик ва эзгулик арки ёнидан ўтишар экан, майдондаги хушманзара табиат ҳамда гўзал фаввораларнинг ёқимли шабадаси барчага завқ бағишлади. Майдонга кўрк бериб турган она ва боланинг рамзий акси туширилган эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйган ҳамширалар қалбида соғлом она ва соғлом бола дастури асосида амалга оширилаётган ишлардан фахр туйғуси янада жўшурди. Улар она ва бола ҳайкалига таъзим қилдилар.

(Давоми 2-бетда).



«Хамшира – 2013»

ЗУККОЛИК, ШИЖОАТ ВА ИСТЕЪДОД УЙЎНЛИГИ



тимизда кечаётган ислохотлар, соҳага оид қарор ва фармонлар шарҳи, шунингдек, тарихий саналар тўғрисидаги саволларга тўлақонли жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Айниқса, охириги – эркин мавзу бўйича қатнашчилар миллий урф-одатларимизга хос муштароқ кўшиқлар, жозибали рақслар ва бадиий композиция орқали саҳна кўринишини ижро этганликлари улардаги ноёб истеъдоднинг ифодаси бўлиб, томошабинлар олқишига эришди.

Катта саҳнада ўз билим ва иқтидорини намойиш этган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган зукко



Танлов иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Боситхонова қабулида бўлдилар. Э. Боситхонова финал босқичига етиб келган ҳамшира қизларни қутлаб, тиббиёт муассасаларида амалга ошириладиган ишларда уларнинг меҳнатлари беқиёс эканлигини эътироф этди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Салихаджаевалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда босқичма-

билан очиб, аввало, республика соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқлар хусусида тўхталиб, унда ҳар бир ҳамширанинг ўз ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб, улар ҳар қандай рағбатга муносиб эканликларини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, мадания ва спорт масалалари қўмитаси раиси Мамазоир



лаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмиталарининг ҳиссаси катта бўлди.

Албатта, йилдан-йилга ўз нуфузига эга бўлиб бораётган бундай кенг аудиториядаги кўриктанловнинг асосий мақсади, тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган ҳамшираларнинг билим савиясини ошириш, тажриба кўламини бойитиш, сиёсий, маънавий ва маърифий тушунчаларини янада шакллантиришдан иборатдир.

Севара ЖўРАКУЛОВА,
Навоий вилояти, Конимех туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими ҳамшираси:

– Биринчи навбатда биз ёшларнинг интеллектуал салоҳият эгаси бўлишимиз учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Пре-



ҳамшираларимизнинг синовли дақиқаларини баҳолаш ҳакамлар ҳайъати учун осон кечмади. Аслини олганда иштирокчиларнинг ҳеч бири мағлуб эмас, балки уларнинг ҳаммаси ҳам голиблик шохсупасидан ўрин олди. Эътирофлиси шундаки, 14 нафар иштирокчи турли номинациялар ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дипломига эга бўлди. Лекин, ҳар бир ўзаро беллашувнинг сардори бўлади деганларидек, ушбу Республика финал босқичида биринчи ўрин Тошкент шаҳар 5-сон клиник шифохонаси хирургия бўли-



босқич олиб бориладиган ислохот жараёнларида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ошишида кўп сонли ҳамшираларимизнинг ўрни борлигини алоҳида таъкидладилар. Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова танлов иштирокчиларига қўмита томонидан тайёрланган махсус диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Навбатдаги саёҳат «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида бўлиб, бу муҳташам бино Юртбошимиз раҳнамолигида бунёдкор халқимиз томонидан ўзгача дид билан барпо этилганлиги ҳаммамизни ҳайратга солди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор қошоналаридан яна бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташриф буюрган иштирокчилар у ердаги барча шароитлар билан танишдилар.

29 июнь куни Туркистон санъат саройида финал босқичининг якуний қисми бўлиб ўтди. Танловни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров кириш сўзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўжамбердиев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдурахимовалар тадбир иштирокчиларини мазкур кўрик-танлов билан самимий қутлашиб, аҳоли саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган бир-бирдан чаққон ва зукко голиба қизларимизга омадлар тилашди.

Муҳташам санъат саройининг сахнасидан жой олган 14 нафар ҳамширанинг рамзий кийимда ибодат туришлари томошабинлар қалбига янада кўтаринки кайфият бағишлади. Биринчи, яъни танишув шартида қатнашчилар иш жойларидаги фаолиятлари ва ўзлари ҳақидаги маълумотларни шеърий мисралар ҳамда саҳна кўриниши орқали намойиш этдилар. Бунда ўзаро беллашган иштирокчилар бир-бирларидан қолишмади десак, хато бўлмайди. Кейинги шарт – назарий билимлар синовида ҳам ҳар бир ҳамшира ўз касбининг мукамал эгаси эканлигини кўрсата олди. Навбатдаги сиёсий, маънавий ва маърифий шартда ҳамширалар жамия-



ми ҳамшираси Дилноза Абдиева, иккинчи ўрин Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилоят филиали педиатрия бўлими ҳамшираси Мавлудахон Ҳасанова, учинчи ўрин Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология бўлими ҳамшираси Сарвиноз Турсуноваларга насиб этди. Биринчи ўрин соҳибасига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Матиз" автомашинаси, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибалари, шунингдек, барча қатнашчиларга ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирнинг кўтаринки кайфиятда ўтишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-

зидентимизга чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Танловга вилоятлар оша мафтункор Тошкент шаҳрига келиш насиб этган экан, биргина тадбир билан кифояланиб қолмай, балки юртимизда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларини кўриб қалбимиз қувончга тўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Боситхонова билан суҳбатда бўлганимизда, улар ҳамширалар меҳнати нечоғлик машаққатли ва масъулиятли эканлигини айтиб, қўмитанинг махсус дипломи ҳамда қимматбаҳо совғасини топширишлари билан суҳбатда бўлган меҳримизни янада оширди. Меҳнатимизни қўллаб-қувватлаган, касбимизга алоҳида эътибор қаратиб келаётган Соғлиқни сақлаш вазирлигига самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Меҳрибон БЕКТУРСУНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтақўпир туман тиббиёт бирлашмаси

шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими ҳамшираси:
– Авваламбор, «Хамшира – 2013» Республика кўрик-танловида иштирок этганлигимдан гоёта мамнунман. Финал босқичига келгунча туман ва республика босқичларида иштирок этиб, касбий маҳоратимни ошириш билан бирга, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлардан бохабар бўлдим ҳамда жамиятимиз тараққиёти юксалиб бораётганлигидан гурурландим. Айниқса Халқаро анжуманлар саройи мени ҳайратга солди. Чунки, қўли гул меъморларнинг моҳирона меҳнатлари билан бунёд этилган бундай муҳташам бино таҳсинга лойиқ. Танловда голиблик шохсупасига чиқмаган бўлсамда, «Шиддатли ҳамшира» номинациясига лойиқ деб топилганимдан фахрландим.

Шу ўринда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган иштирокчилар ҳамда меҳмонлар ҳомий ташкилотларга ўз миннатдорчиликларини билдириб қоладилар.

Замондошларимиз

ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ



Дарҳақиқат, ана шундай тиббиётимизнинг фидойи жонқурларидан бири Тошкент тиббиёт академияси ректори, факультет ва госпиталь-хирургия кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва Россия тиббиёт Фанлар Академияси академиги, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шавкат Иброҳимович Каримовнинг ҳам Ўзбекистон тиббиёти юксалишида алоҳида ўрни бор.

Куни кеча Шавкат Каримов тиббиёт соҳасидаги фидойи меҳнатлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Ушбу юксак мукофотни Тошкент тиббиёт академияси мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Адҳам Икромов тантанали равишда топширди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов сўзга чиқиб, республика тиббиёт тизимидаги ютуқли ишларда ҳамда кадрларни тайёрлашда академик Шавкат Каримовнинг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлаб, устознинг босиб ўтган йўли ҳар бир тиббиёт ходими учун ибрат бўли-

(Давоми. Боши 1-бетда).

шини айтиб ўтди. Сўнгра академик Т. Даминов, профессорлар М. Ходжибеков, Ж. Собиров, М. Ҳакимовлар ҳам устознинг тиббиёт равнақига қўшган ҳиссаси тўғрисида эътирофли фикрларни билдириб ўтдилар.

Академик Шавкат Каримов Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Тиббиётга бўлган қизиқиши боис унга Тошкент тиббиёт академияси талабаси бўлиш nasib этди. 1966 йилда институтни тугатгач, меҳнат фаолиятини, аввало, Сирдарё вилояти Янгийер шаҳар касалхонасининг хирургия бўлимида шифокорликдан бошлади. Сўнгра эса бўлим мудири лавозимига тайинланди. 1969-74 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Уктам Орипов раҳбарлигида хирургия кафедрасида тадқиқотчи-стажёр, ассистент ва доцент бўлиб ишлади. Ва 1971 йилда «Буйрак аллотрансплантациясида эшак антилимфоцитар глобулини ва госсиполбарбитур кислотаси билан иммунодепрессив терапия» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1970 йилларда республикада қон-томирлар хирургияси ривожлана бошлади. Худди шу пайтларда Шавкат Иброҳимович мазкур муаммоларнинг ечимида фаол иштирок этиб, юртимизда биринчи мартаба аорта ва магистрал қон-томирларда реконструктив хирургия амалиётларини амалга оширди. 1974-77 йилларда тажрибали мутахассис А. Бакулев

номидаги юрак қон-томирлар хирургия институтининг қон-томир хирургия бўлимида илмий фаолиятини давом эттириб Россия тиббиёт Фанлар Академияси академиги А. Покровский раҳбарлигида «Қорин аортаси окклюзиялари диагностикаси ва уларни жарроҳлик даволаш» мавзусидаги докторлик диссертациясини 1981 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди. 1977-79 йилларда Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида директор ўринбосари лавозимида ишлади, шу даврда юртимизда илк бор коронарография йўлга қўйила бошлади. 1979 йилда эса Тошкент тиббиёт академияси 1-клиника базасида госпиталь-хирургия кафедрасини ташкил қилиб, шу кунга қадар фаолият юритиб келаётган Шавкат Каримов жигар, меъда, қон-томир, торакал, шошилинч ёрдам, рентгеноэндоваскуляр хирургияси, хирургия ангионеврология бўлимига клиникаси фаолиятини йўлга қўйди. Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, Шавкат Иброҳимович томонидан фаол, мақсадга интилувчан илмий ходимлар ва юксак маҳоратли хирурглардан ташкил топган мактаб яратилди. Устоз ва шогирдлар ҳамкорлигида тарқоқ перитонит, қон-томир ва торакал патология, диабетнинг хирургик муаммоларига доир устувор йўналишлар ишлаб чиқилган, механик сариқлик, профуз қон оқиши билан асоратланган портал гипертензия, сурункали мия етишмовчилигида экстракраниал томирлардаги реконструктив амалиётлар халқаро миқёсда эътироф этилди. Айни кунларда ҳам лапароскопик, торакокопик, эндоваскуляр ва эндобиллиар аралашувлар фаол ишлаб чиқилмоқда ва улардан кенг фойдаланилмоқда.

Олим ва ташкилотчи профессор Шавкат Каримов 1991-98 йилларда Соғлиқни сақлаш вазири лавозимида фаолият юритди. Мазкур йиллар давомида талабчан раҳбар соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ислохотларни ишлаб чиқишда ва рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этди. Президентимизнинг 2005

йилда эълон қилинган Фармонига кўра 2 та тиббиёт институтлари базасида Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди ва ушбу таълим даргоҳига Шавкат Иброҳимович ректор этиб тайинланди. Ўз касбининг фидойиси академияда ўқув жараёни ва амалиётнинг изчиллигини таъминлаш, янги диагностика ва даволаш методларини қўллаш, илмий ишларни амалиётга жорий этишга катта эътибор қаратиб, бу борада етук кадрларни тайёрлашда муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, академияда ҳамма факультетлар учун ўқув марказлари, қишлоқ врачлик пунктининг иккита модели, туман санитария-эпидемиология станцияси модели яратилган. Шунингдек, ўқув блоклари бўйича кафедраларда лабораториялар барпо этилмоқда. Фан ва таълимни интеграция қилиш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш учун академиянинг илмий ходимлари республикадаги илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт илмий-амалий марказлари билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Педагог ва талабаларнинг маънавий-маърифий билимларини бойитишда, бунинг баробарида соғлом турмуш тарзини мунтазам тарғиб қилишда устознинг меҳнатлари беқиёс бўлмоқда.

1993 йилда Шавкат Каримовнинг кўп йиллик илмий, амалий ва педагогик фаолияти муносиб баҳолашиб, унга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди, 1995 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, 1996 йилда АҚШ халқаро фан ва таълим академиясининг фахрий академиги этиб

сайланди. Ўша йилнинг ўзида хирургия фанидаги улкан хизматларининг эътирофи сифатида Н. Пирогов ассоциациясининг фахрий аъзоллигига қабул қилинди. 1998 йилдан бошлаб халқаро гастроэнтерологлар ассоциацияси, Европа қон-томир хирургиялари жамиятининг аъзоси бўлди. 2001 йилда эса Россия тиббиёт Фанлар Академиясининг академиги этиб тайинланганлиги ва 2003 йилда А. Вишневецкий медали билан тақдирланганлиги хирургиядаги фаолиятининг муҳим босқичи эканлигини кўрсата олди. 2006 йилда Шавкат Иброҳимович Европа табиий фанлар академиясининг Н. Пирогов ордени билан мукофотланди. 2007 йилда олимнинг халқимиз саломатлиги йўлидаги хизматлари инobatга олиниб «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Умрини тиббиётга бахшида этган профессор Шавкат Каримов 600 дан зиёд илмий иш, 29 та монография, 10 та дарслик, 30 та услубий тавсиянома билан муаллифидир. Шунингдек, хирургиянинг кўпгина бўлимида бўйича кашфиётлари учун қарийб 40 та муаллифлик гувоҳномаларига эга бўлиб, 21 нафар тиббиёт фанлари докторларини ва 62 нафар фан номзодларини етиштирган. Тиббиётимизнинг фидойиси республика ва халқаро анжуман, симпозиум ва конгрессларда ўз маърузаси билан иштирок этди. Бунинг баробарида унинг раҳбарлиги остида 30 дан ортиқ илмий анжуманлар ўтказилди. Талабчан раҳбар жамоатчилик асосида тизимдаги барча газета ва журналларда тахрир кенгаши аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Ҳа, албатта, бундай синовли, машаққатли, рақобатли йўлларни босиб ўтиш осон эмас. Бунинг учун ақл-заковат, сабр-тоқат, чидам, шижоат ва камтарлик каби эзгу фазилатларгина инсонни комилликка етакловчи асосий омилдир. Ана шундай эзгу хислатларни ўзида мужассам этган Шавкат Каримов фаолияти ҳақида қанчалар қалам тебратакда, озлик қилади. Ҳамон фаолиятини давом эттириб, жамиятимиз равнақи йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган устознинг хайрли ишларига омадлар тилаган ҳолда, оилавий хотиржамлик ва соғлиқ ёр бўлишини ис-таб қоламиз.

Ҳайъат йиғилиши

ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАЛАР ДОИРАСИДА

йўл қўйилаётганлигига эътироз билдирди. Ва бунда масъул ходимларнинг ўз ишига эътиборсизлик билан қараётганлиги натижасида кўнгилсиз ҳолатлар юзага келаётганлигини тилга олди.

Иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга қаратилган Фармон ва Қарорлари, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарор талабларининг жойларда бажарилиши, ҳужжатлар устида ишлаш ва уларнинг кейинги сақлов (архивларда) тартибларининг

(Давоми. Боши 1-бетда).

ижроси бўйича жойларда ўтказилган текширув натижалари ҳақида вазирликнинг назорат инспекцияси бошлиғи А. Содиқов ўз фикрларини билдириб, жумладан, вазирлик томонидан Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган «Тиббиёт муассасаларида ижро интизоми, ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ҳужжатларни архивга топшириш ҳамда уларни сақлаш масалалари»га бағишланган амалий семинар хусусида тўхталди. Мазкур семинарнинг амалий қисми Китоб тумани тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтганлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган масъул шахслар ҳужжатлар билан ишлаш, иш юритиш, кадрлар билан ишлаш, архив ишларини тўғри юритиш бўйича амалий иш жараёнларини кўриб,

тажриба алмашганликларини ҳамда ушбу тадбир самарали ўтганлиги тўғрисида маълумот берди. Бунинг баробарида электрон ҳужжатлар билан ишлаш тартиби ва самарадорлиги хусусида гапириб, унинг афзаллиги куйи тизимдаги тиббиёт муассасаларига ҳам тезкорлик билан етиб бориши муҳимлигини алоҳида тилга олди.

Навбатдаги масала бўйича вазирликнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи С. Исмаилов болалар ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳозирги пайтда уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат қандай кетаётганлигини, шунингдек, айрим оромгоҳларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида ўз фикрини баён этди.

Вазирликнинг ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга тиббий

ёрдамни ташкил этиш маркази директори З. Уринбаев бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда, Самарқанд, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги ўсмирлар диспансерларида 15 та ўсмирлар бўлими ва 381 та ўсмирлар хоналарида ма-лакали тиббий ёрдам кўрсатиб келинаётганлигини таъкидлаб, ҳарбий хизматга чақирилувчилар орасида қайтишлар сони камайганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидан ўрин олган кейинги масалалар бўйича вазирликнинг мутасадди раҳбарлари И. Азизов, А. Агзамов ва Ф. Шариповлар Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказиш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида жиҳозланиши кўзда тутилган туман марказий кўп тармоқли поликлиникаларини оптимизациялаш, умумий амалиёт шифокорлари гуруҳларини тўғри жойлаштириш ва «2014 йил Инвестиция дастурига киритилган даволаш-профилактика муассасалари ҳақида» маъруза қилиб, амалдаги фаолиятлар ҳамда келгусидаги режаларга тўхталдилар.

Йиғилиш сўнгида кун тартибидан кўрилган асосий масала бўйича вазирликнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

1-3-саҳифа материалларини ИБОДАТ СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф ва Анвар САМАТХОДЖАЕВ олган суратлар.

Семинар

ЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситалари масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли жамоат ташкилотлари ва

киллари, республика ва ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари ходимлари, жумладан, Навоий ва Бухоро вилоятлари бос-

ма нашрларида фаолият юритаётган бир гуруҳ журналистлар иштирок этди.

Семинарни Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директорининг ўринбосари У. Султонов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда миллий медиа соҳани ислоҳ этиш, фуқароларнинг сўз ва ахборот олишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш масалалари доимий эътиборда эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва бир қанча бошқарув органлари вакиллари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмининг яратишга қаратилган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси



қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир масалаларга атрофлича тўхталиб, қатнашчиларга керакли маълумотларни бериб ўтдилар.

Таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва улар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш жамоатчилик назоратининг муҳим шартини ҳисобланади. Бу жараёнларда оммавий ахборот во-

ситалари ходимларининг ўрни ва фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини олиб боришда журналист суриштирувини ўтказиш, ахборотлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса журналистлар зиммасига улкан масъулият юклаб, қандайдаси қатъий амал қилишни, фидойилик кўрсатиш, янада фаол бўлишга ундайди.

МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК ЗАРУР

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини ошириш масалалари ва журналист масъулияти" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда республика ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва

ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев сўзга чиқиб, мавзу доирасида ўз фикрларини билдирди. Шунингдек, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О. Юнусов ва бошқалар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, таҳририятлар фаолиятига бозор механизмларини жорий этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш жамоат ва парламент назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигига алоҳида урғу қаратдилар.

Шундай экан, мазкур концепция асосида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги каби қатор қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Куни кеча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан давлатимиз раҳбари табригида таъкидланганидек, бугунги нотинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Бу албатта, ижод аҳлининг фуқаролик позицияси ва касб маҳоратини янада ошириш, шунингдек, танқидий ва таҳлилий, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришда муҳим омил бўлиши, табиийдир.

Ушбу семинарда соҳа мутахассислари томонидан кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва фаоллигини ошириш, имкониятлардан самарали фойдаланиш, журналист этикасига амал қилиш, ёшларни турли кўринишлардаги маънавий таҳдид, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, миллий қадриятларимиз руҳида камол топтиришда журналист масъулиятини оширишга оид мавзуларда маърузалар қилдилар.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Соғлом турмуш тарзи

Аҳоли саломатлиги – доимий эътиборга

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриямал бўлмоқда. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда етакчи тиббий-илмий марказлар, шифохоналар, оилавий поликлиника билан бирга қишлоқ врачлик пунктлари томонидан ҳам кенг қўллаб-қўллаш ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида мавжуд 293 та қишлоқ врачлик пунктида аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий шарт-шароит

ва имкониятлар яратилган. Буни Олтиариқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳудудидаги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва ҚВПлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Равшанжон Мавлонов. – Бугунги кунда туманимизда 21 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" дастурлари асосида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

"Қизилтепа" қишлоқ врачлик пункти тўрт мингдан кўпроқ

аҳолига хизмат кўрсатади. Қишлоқ врачлик пункти мудирини Ҳожиназар Муқимовнинг айтишича, илгари маҳаллий аҳоли тиббий ёрдамга эҳтиёж сезса, узоқ йўл босиб, туман марказига қатнаган. Ҳозир шу ернинг ўзида энг сўнгги русумдаги усуналар ёрдамида тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Обод турмуш йилида туманда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни воғга етказиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган. Ҳозирги кунга қадар 53 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёлларнинг 70 фоизидан ортиғи чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларида саломатлик ҳафталикларининг мунтазам ўтказилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Давра суҳбати

ОИЛА ҲАМШИРАСИНING ЎРНИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида "Умумий амалиёт ҳамшираси тизими" лойиҳасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳар даволаш-профилактика муассасалари бош ҳамширалари иштирок этди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдурахимова кириш сўзи билан очиб, патронаж ҳамшираларининг иш фаолиятида бириктирилган аҳолига жинси ва ёшидан қатъи назар, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва карантин, ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш масалалари бўйича гапириб ўтди.

Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасига мурожаат қилманг, у ердаги шароит ва имкониятлар, малакали кадрларнинг тиббий хизматларидан аҳоли мамнун эканлигини кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда тиббиёт соҳасига оид қабул қилинаётган ҳар бир фармон ва қарорлар замирида давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган инсон саломатлиги ва унинг манфаати, шунингдек, она ва бола соғлиғи муҳофазаси ётар экан, бу борада республика тиббиёт тизимида ўзига хос фаолиятлар амалга оширилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада яхшиланиб, самарали натижаларга эришиб келинмоқда. Юқоридаги мавзу юзасидан билдирилган фикрларда оила ҳамширасининг хонадонларга чуқур кириб бориши ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиши натижасида турли касалликларнинг олдини олиётганлиги ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошаётганлиги баён этилди.

Диёра БОЗОРОВА.

Тиббиёт муассасалари ҳаётдан

БОЛАЛАР ТРАВМАТОЛОГИЯСИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳар томонлама, яъни ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом вояга етказишга қаратилган кенг қамровли ишлар орасида тиббиёт муассасаларининг ўзига хос ўрни бор. Тор доирадаги мутахассислар, ихтисослашган шифохоналар бу эзгу ишга жалб қилинган бўлиб, илғор тажрибалар тўпланмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида айнан шу йўналишдаги ишларнинг амалга оширилаётганини кўрган киши фикримиз нечоғли тўғри эканлигига амин бўлади.

Институтда болалар травматологияси бўлими 1987 йилда ташкил қилинган бўлиб, ўткир жароҳат ва унинг асоратларини тиклаш вазифаси билан шуғулланиб келади. Назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишларнинг ифодаси сифатида 17 та номзодлик, 3 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинганини таъкидлашимиз мумкин. Тадқиқотчиларнинг кўплаб илмий мақолалари хорижий давлатларда нашр этиладиган журналларда эълон қилинган. Халқаро симпозиум ва конференцияларда қатнашиб келган шифокорлар илғор иш тажрибаларини ўрганиб қайтишди. Шунинг учун ҳам бўлимда болалар жароҳатларининг барча турларини аниқлаш ва даволаш бўйича катта тажриба тўпланди. Битмаган синиш, эгри битиш, сохта бўғимлар, бўғимлар контрактураси ва анкилозларини аниқлаш ҳамда даволаш жараёнида ҳеч қандай муаммо йўқ.

Ўтган йилнинг январь ойидан бошлаб бўлимнинг болалар ва ўсмирларда учрайдиган кўкрак деформациялари билан шуғулланишга ўтишида биз эришган ютуқлар асос бўлди. Республикадаги бирорта тиббиёт муассасасида ортопедик патология билан шуғулланилмайди. Шу-

нинг учун ҳам институтдаги маъмур бўлим кўкрак деформациялари билан боғлиқ касалликларни ўрганиш, тадқиқ этишнинг ягона маркази бўлишини даврнинг ўзи тақозо этди. Бўлим олдида кўкрак қафаси деформацияларининг барча формаларини аниқлаш, уларни ташхислаш дастурини ишлаб чиқиш, хорижий мутахассисларни жалб қилмасдан туриб, ўз тажрибамизга асосланган ҳолда беморларни замонавий усулда даволаш вазифаси қўйилди. Гарчанд бой тажрибага эга, болалар кўкрак жароҳлиги бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган, операциялар ўтказилган бўлса-да, статистик маълумотларни тўплаб боришга эътибор қаратилмаган. Бу патологиянинг мамлакатимиз аҳолиси ўртасида қанчалик даражада тарқалганлиги, профилактик чора-тадбирларнинг қай тарзда олиб борилаётганлигини аниқлаш ҳам бўлим шифокорлари олдидаги муҳим вазифа қилиб белгиланди. Галдаги илмий тадқиқотларда масаланинг қайси жиҳатига кўпроқ эътибор қаратишимиз керак? Ривожланган давлатлардан нимани ўрганишимиз мумкин, деган масалалар кўндаланга турибди. Агар бўлим шифокорлари томонидан қайд қилинган барча вазифалар муваффақият билан амалга оширилса, ўйлай-

манки, истиқболда кўкрак деформацияларини даволаш бўйича фахрлинишга эришадиган ютуқларни янада кўпроқ қўлга киритамиз.

Ҳозирги кунга қадар бўлимимизда кўкракнинг гирдобсимон ва тумшуксимон деформацияси билан бир қанча беморлар даволаниб чиқди. Охириги 4-5 йиллик натижалар бу соҳадаги ишларимиз тўғри ташкил этилаётганидан далолат беради. Патология бўйича бир нафар фан доктори, профессор, бир нафар фан номзоди, бир нафар юқори малакали врач ва икки нафар тадқиқотчи иш олиб бормоқда. Тиббиёт соҳасидаги тор йўналишлар шу даражада чуқур ёндашувни талаб қиладики, бирорта касалликни ўрганиш ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш жараёнида аввал дуч келмаган жиҳатлар учрайди. Тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида даволашнинг аввал қўлланилмаган усуллари ва мосламалари яратилмоқда. Республика интеллектуал мулк кўмитасида бундай илмий ютуқларга патент берилляпти. Айниқса, даволаш жараёнига транспедикуляр системанинг жорий қилиниши натижасида кўплаб беморлардан миннатдорлик сўзларини эшитмоқдамиз.

Бўлимдаги энг катта даволаш ишларидан бири кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси Д. Насса усули ва унинг модификациялари бўйича операция қилинишидир. Бундан ташқари, кўкрак қафаси тумшуксимон (қилсимон) деформацияси – кўкрак рельефи тўғриланиб, клиника пластинаси билан фиксация қилинади. Умуртқа поғонасида учрайдиган касалликларнинг хили кўп. Бўйин умуртқалари остеохондрози ва жароҳатларида



декомпрессия қилувчи, стабилловчи операцияларни (транспедикуляр системалар, кейджлар, таналаро стабилловчи усуналар воситасида) амалга ошириш имконига эгамиз. Айнан шундай даволаш усулини кўкрак умуртқалари остеохондрозиди ҳам қўлламоқдамиз. Бел умуртқасида учрайдиган касаллик ва уларнинг асоратларини бартараф этишда ўзига хос тажриба тўпланган. Кокцикоденция – дум суюқларини олиб ташлаш операциялари амалга оширилади.

Эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмаслик, касбий маҳоратни янада такомиллаштириш бўлим шифокорлари диққат-эътиборидаги энг муҳим масаладир. Касбий маҳоратни ошириш – узлуксиз жараён. 2012 йилда чет элда икки ва бир киши республикамизда малака ошириб келгани ана шу фикрнинг тасдиғидир.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида аҳоли саломатлигини сақлаш, бунда энг замонавий усуллардан фойдаланиш, мавжуд аънаналарни янада бойитиш, айниқса, болалиқдан ногирон шахсларни ижтимоий ре-

билитация қилиш, уларнинг хорижий давлатларда даволаш вазифалардан қилиб белгиланган. Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида институтимиз дирекцияси томонидан бўлимнинг моддий-техник базаси бойитилмоқда. Янги диагностика текширув аппаратлари келтириляпти. Илк текширувга келган беморни юқори малакали шифокор, фан доктори ва фан номзодлари кўриқдан ўтказишади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлод саломатлигини сақлаш билан боғлиқ кенг миқёсдаги ишлардан бир шингил холос. Зеро, оғир ёки энгил даражадаги дарддан азият чекаётган бемор кўнглига ёруғлик олиб кириш ҳам савоб ишларнинг энг улуғидир.

Искандар ХОЖАНОВ,
Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти болалар травматологияси бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Мутахассис маслаҳати

ШИФОХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Юқумли касалликлар эпидемик тарқалиб кетишининг олдини олишда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ)нинг аҳамияти катта. Чунки ДПМнинг замонавий жиҳозлар билан таъминоти ва моддий-техник базаси яхшиланишига қарамасдан, ДПМ орқали юқумли касалликларнинг юқиши ҳамон қайд этилмоқда. Шифохона ёки бошқа ДПМга мурожаат қилиш чоғида юқумли касалликка чалинмаган ёки юқумли касалликнинг белгилари умуман бўлмаган мижозга юққан касаллик “шифохона ичи инфекцияси” ёки “нозокомиал инфекция” деб номланади.

Одатда шифохонага ётқизилган беморда 48 соатдан сўнг юқумли касаллик қайд этилса, у шифохона ичи инфекцияси ҳисобланади. Шифохона ичи инфекциялари келиб чиқишига аҳоли орасида кенг тарқалган ва шифохонадаги беморларга нисбатан ўртача оғирликда ёки энгил кечувчи касаллик чақирувчи микроорганизмлар (стафилококк, энтерококк, энтеробактерия, вируслар, паразитлар ва бошқалар) сабаб бўладилар. Шифохона ичи инфекциялари дунёнинг деярли барча давлатларида кенг тарқалган бўлиб, улар беморларнинг шифохонада ётиш муддати узайишига, қўшимча лаборатория текширувлари ўтказилишига ҳамда

даволаш учун қўшимча доридармонлар сарфланишига, шифохона шароитида юқумли касалликлар ва ўлим ҳоллари кўпайишига ҳам сабабдир.

ЖССТ маълумотларига кўра, шифохонага ётқизилган беморларнинг ўртача 8,7 фоизи нозокомиал инфекциялар кўзгатувчиларини ташувчилар бўлиши мумкин. Дунёда 1,4 миллион одам шифохона ичи шароитида юқтириб олган касалликлари туфайли азоб чекади.

ДПМда беморларни даволаш ёки айрим юқумли касалликларнинг олдини олишда микробларга қарши препаратлар, айниқса антибиотиклар кенг қўлланилиши, шифохона ичи инфекциялари кўзгатувчилари кўпчилик дезинфекцияловчи

моддаларга турғун бўлиб қолишига сабаб бўлади, шунинг учун ҳам улар “госпиталь штаммлар” деб номланади.

Шифохона ичи инфекциялари билан фақат беморлар эмас, балки тиббиёт ходимлари ҳам касалланиши мумкин, уларнинг келиб чиқишида (вирус ёки бактериялар)ни ташувчи беморлар ёки тиббиёт ходимлари ҳамда шифохона ичи шароитида бактерия, вирус ва паразитлар билан ифлосланган ташқи муҳит касаллик манбаи ҳисобланади.

Шифохона ичи инфекциялари келиб чиқишида микроорганизм ҳолати, бемор ёши, иммун тизими ҳолати, юқумли касалликларга мойиллиги ва ундаги ёндош ёки сурункали касалликлар (саратон, лейкокемия, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги ва бошқалар) мавжудлиги ҳамда беморда ўтказиладиган диагностика, терапевтик (биопсия, катетеризация, эндоскопик текшириш, интубация), жарроҳлик ва бошқа муолажалар ҳамда микроорганизмларнинг касаллик чақира олиш қобилияти, вирулентлиги ва киши организмга тушган микдори асосий омил ҳисобланади. Шифохона ичи инфекциялари шифохона шароитида бош-

қа бемордан юқтириб олган микроорганизм ҳисобига (кесишган) ёки беморнинг ўзида мавжуд бўлган микроорганизм ҳисобига (эндоген) ёки бактерия ташувчи шахслар томонидан ифлосланган ташқи муҳит объектларидан юқтириб олган микроорганизмлар ҳисобига келиб чиқиши мумкин.

Юқумли касалликларни юқтириб олган ёки бактерия ва вирус ташувчи, жумладан, ОИВ юқтириб олган шахслар, бемор ёки тиббиёт ходимлари нозокомиал инфекциялар келиб чиқишида касаллик манбаи бўлиши мумкин.

Шифохона ичи шароитида касалликни юқтириб олган бемор ёки тиббиёт ходимида касаллик шифохонада ётган даврида аниқланмаслиги сабабли, шифохонадан чиққандан сўнг касаллик аҳоли орасида кенг тарқалиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Шифохона ичи инфекциялари ҳаво томчилари, парентерал, бевосита мулоқот ва алиментар йўллари орқали юқиши мумкин. Ҳаво томчилари орқали қуйи нафас олиш йўллари ва жарроҳлик, бевосита мулоқот ва алиментар йўллари орқали эса ош-

қозон-ичак ва бошқа касалликлар юқиши мумкин. Тери ва шилиқ парданинг бутунлиги бузилиши билан юқумли касалликларнинг юқиши “парентерал йўл орқали юқиш” деб номланади. Парентерал йўл орқали, асосан, ОИВ инфекцияси, вирусли гепатитнинг В ва С турлари юқади.

Шифохона ичи инфекцияларининг олдини олишда касалхонага ётқизилаётган беморлар орасида касаллик манбаини ўз вақтида аниқлаш ва бунинг учун улардан эпидемиологик анамнезни тўлиқ йиғиш, даволаш-профилактика муассасаларида дезинфекция, стерилизация ҳамда эпидемияга қарши қондаларга тўлиқ амал қилиниши, тиббиёт ходимлари шифохона ичи инфекцияларининг олдини олиш бўйича билим савияларини тизимли ошириб бориш ва уларни даврий тиббий кўриқдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Н. АТАБЕКОВ,
Б. МАТКАРИМОВ,
Ғ. РАЖАБОВ,
Республика ОИТСга қарши кураш маркази.

КОСМЕТОЛОГИЯДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИВОР ЁСИМЛИКЛАР

Хозирги вақтда тиббиётда доривор ўсимликлар билан даволашга катта эътибор берилмоқда. Бунинг асосий сабаби инсоният қадим замонлардан бери касалликларни даволаш усулларида бўлган гемотерапия, больнеотерапия, массаж, овқат билан даволаш ва фитотерапиядан кенг фойдаланиб келган. Айниқса фитотерапия – доривор ўсимликлар билан даволаш қадимдан инсониятни ўзига жалб қилган. Бунда даволаш ва касалликнинг олдини олиш учун ўсимликларнинг ҳамма қисмларидан илдизи, илдизпояси, туганаги, пиезбоши, барги, гули, пояси, пўстлоғи, куртаги, меваси ва уруғидан фойдаланилган. Доривор ўсимлик ҳўллигича ёки қуритилган ҳолатда ишлатилади. Қуритилган ҳолатдаги ўсимлик майдаланиб, кукуни, доривор препаратлари, дори турлари (дамлама, қайнатма, шарбати, настойкаси ва экстракти) ишлатилиб келинган. Фитотерапияда эритувчи сифатида сув, спирт, пиво, уксус, вино, асал, ҳар хил ҳайвон сўтлари ва ёғлар ишлатилган ва ишлатилмоқда.

Ўсимлик маҳсулотлари ва улардан олинган дори турлари ичиб даволашда маълум миқдори қабул қилинади. Озиқ-овқат ўрнида ишлатиладиган доривор ўсимликлар эса даволайдиган ичимликлар, салатлар ва овқатларга зиравор сифатида ишлатилади.

Доривор ўсимликлар сиртдан суртиладиган дори сифатида халқ табобатида ванналар тайёрлаш, компресс қилиш, баданни артиш, ҳўллаш, оғиз чайқаш, яраларни ювиш, малҳам, пластирлар тайёрлаш ёки ўсимлик қисмларини организмдаги касал жойларга қўйиш учун ишлатилади.

Куйидаги 1-жадвалда бизга маълум адабиётларда, косметологияда қўлланиладиган баъзи доривор ўсимликлар, уларнинг қисқача таркиби, тиббиётда ва косметологияда ишлатилиши бўйича маълумотлар берилди

1-жадвал

Косметологияда ишлатиладиган доривор ўсимликлар

№	Ўсимлик исми	Ишлатилишидан қасани	Қимматли таркиби	Тиббиётда ишлатилиши	Косметологияда ишлатилиши
1	Оқ қанён	Қўтқак, анча, деготь	Эфир майлар, гликозидлар, макроэлементлар, витаминлар	Оқилол-нока, тери, сийдик йўли касалликлари	Экзема, қўтқак, тери ташвиш, яраларни даволаш
2	Оқ топ	Прополис, барг	Фенолгликозид, салицил кислотаси, флавоноидлар, витаминлар	Мускул тўшқурони, ревматизмда, анга қасани, мовлар	Дерматит, деготь, яраларда қанча қилмоқда, оч тўшқурони
3	Қора терек	Барг, қўтқак	Эфир майлар, гликозидлар, флавоноидлар, витаминлар	Билг табиётда тери касалликларида, бактерия, терида қўтқурғ бўлганда	Соч ўстириш, тери яраларда қанча угу, терида қўтқурғ қанча мажуд
4	Экин турлари	Пўстлоқ	Оқилол-нокалар	Суриштирувчи оғиз қайқаш учун	Терини оғиз, оч, оғизда қанча угу, оғизда қанча угу
5	Ўддай қаранай	Қўтқак	Эфир майлар, гликозидлар, витаминлар, деготь	Дисензияция оғиз, қўтқак қўтқурғ	Тери ва оч қасанида қанча угу
6	Трак-ангони	Барг, мева, мева пўсти	Эфир, оғиз, витаминлар, оғизда моддлари	Антисептик сифатида, яраларни даволаш	Терини қимматли, антисептик сифатида
7	Ўддай бодом	Мева, қўтқак	Мойлар, витаминлар	Қимматли, пива-ангони	Қимматли, «Бодом сўти», оғизда қимматли угу
8	Чаканда	Мева, мой	Мойлар, витаминлар	Антисептик, нр қасанида	Соч тўшқурони, тери қасанида
9	Нозматқ турлари	Мева, мой	Мойлар, витаминлар	Антисептикда	Тери қасанида, тери қасанида
10	Ўддай соқоли	Ер усти қасани, мева	Полисахаридлар, макроэлементлар	Тошмаларда қанча угу	Экзема ва оғизда қасанида
11	Ўддай буймадорон	Ер усти қасани	Эфир майлар, оғиз	Қон қўтқурғ	Посси, қимматли терини оғизда, тери қасанида
12	Ич бўшқонити-сик	Ер усти қасани	Полисахаридлар, флавоноидлар	Экзема, деготь, тери қасанида	Тошма ва бодом тери қасанида қанча
13	Мойнак турлари	Гули	Эфир майлар, оғиз	Оқилол-нока қасанида	Тер қайқаш, яраларни даволаш
14	Лимон ўт	Ер усти қасани	Эфир майлар	Танчлатирувчи	
15	Мускул мағрали	Барги, гул тўшқурони, эфир май	Эфир майлар, сийдик кислотаси	Дисензияция қанча, тери қасанида	Дерматит, тери қасанида
16	Голанда	Барги, ер усти қасани	Витаминлар К, В, С, каротин, аскорбин	Қон тўшқурони, мева оғиз, сийдик қайқурғ	Соч қасанида мушқимайда, қасанида
17	Зўтқурғ турлари	Барги	Полисахаридлар, шелик, моддлар, оғиз	Оқилол-нока ва терида қасанида	Лоссон, қимматли, қимматли, антисептик
18	Дала қар, бунма	Ер усти қасани	Салициллар, флавоноидлар, қимматли барқимлар	Сийдик қайқурғ	Қимматли, қимматли, қимматли
19	Қатта қон чўп	Ер усти қасани	Сарколит шарада витаминлар	Тери қасанида	Сўтқурғ қасанида шарада, сийдикдан йўтқурғ
20	Қанча қанча турлари	Ер усти қасани	Флавоноидлар, оғизда моддлар, пивақурғ	Бунчлатирувчи, антисептик	Тери қасанида, яраларни даволаш, қўтқурғ
21	Посси	Илдиз, моддлар	Эфир майлар, оғизда моддлар, макроэлементлар	Оқилол-нока қасанида, антисептик, нр қасанида	Тери қасани, тери қасанида
22	Пива	Пивақурғ, ер усти қасани	Эфир майлар, витаминлар, макроэлементлар, флавоноидлар	Динми қасани даво	Тери қасанида, оғиз ва қасанида, оч тўшқурони пива шарада
23	Қанчақурғ	Ер усти қасани	Қумларлар	Яралар қасанида	Тери қасанида, шарада, компресс ва малҳам яраларни даволаш
24	Тограйон	Ер усти қасани	Эфир майлар, флавоноидлар, ташма	Танчлатирувчи, дисензияция	Яраларда, экземада

Фитотерапия бошқа даволаш усулларида нисбатан узок йиллар қўлланиб келиниши сабаблари шундаки, ўсимликларни даволаш хусусияти кўп қирралиги, безарарлиги, арзонлиги, ўсимлик таркиби генетик жиҳатдан инсон организмга яқинлиги деб исботланмоқда. Доривор ўсимликлар инсон саломатлигини тиклаб, касалликнинг олдини олибгина қолмай, улар инсон ташқи қиёфасига гўзаллик бахш этувчи манба ҳам ҳисобланади.

Инсоният қадим замонлардан бери ташқи қиёфасига, яъни ўз вақтида тери тозаллигига, тери, сочлар, тишлар, тирноқлар эрта ўзгаришининг (қариши, яроқсизланиши) олдини олишга катта эътибор бериб келган. Бунинг учун косметологлар доривор ўсимлик препаратлари: дамламаси, қайнатмаси, ванна, компресс, маска ҳамда уларни тайёр крем ва лоссон билан бирга тавсия қилдилар. Улар терида яқин озуқа берувчи, тонусни кўтарувчи ва эрта (сўлиши) қаришининг олдини олувчи восита ҳисобланиб, тери эластиклиги ва ёшлигини узок вақт сақлайди.

Хозирги косметик дерматологияда доривор ўсимликлардан олинган биологик фаол моддалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бу моддалар тери, соч, умуман организм структурасига ижобий таъсир кўрсатиб, тери эпителия ҳужайралари қайта тикланиши тезлатади ва тери ости ҳужайрасига шимилиб, сув-туз баланси мувозанатини асраб, тонусини яқшилайди, фермент системаси ишининг фаоллигини оширади, гормонал ва умумий модда алмашинувини нормалаштиради. Бу эса қаришининг олдини олишда асосий омил ҳисобланади.

2-жадвалда доривор ўсимликлардан тайёрланган ва косметологияда кенг ишлатиладиган воситалар берилди

2-жадвал

Доривор ўсимликлардан тайёрланган замонвий кундалик ишлатиладиган косметик воситалар

№	Косметик восита номи	Таркиби	Ишлатилиши
Суюқ эмульсион кремлар			
Юз терисини парвартиш учун кремлар			
1	«Шитоник»	Витаминлар	Юз терисини тозалайди, тонусни оширади
2	«Ирисовое молочко»	Экстракт, буймадорон, кремлойна дамламаси	Терини тозалайди, қон айланишини яқшилайди
3	«Лилия»	Мойнак, кремлойна экстрактлари, норка мойи	Қуруқ терини парвартиш учун
4	«Жень-шень»	Жень-шень дамламаси, товуқ мойи	Тери тирмилганини йўқотади, тери сўлишининг олдини олади
5	«Лесная нимфа»	Жень-шень маъсаси, ёғ асос	Терини озиклантиради, тонус беради
Қуруқ терини юзни парвартиш учун кремлар			
6	«Клубничный»	Қултқай шарбати, ёғ асос	Ақин ҳосил бўлишининг олдини олади
Лоссонлар			
7	«Розовая вода»	Атиргул мойи	Терини қимматли тозалайди
8	«Флора»	Буймадорон, кремлойна, зўтқурғ дамламаси, витаминлар, азукен	Тери парвартиш учун
9	«Ромашка»	Календула настойкаси, эман, мармарак, мойнак, лимон кислотаси	Юз терисини артиш учун
10	«Фламенго»	Атиргул мойи	Юз, бўйин қуруқ терини яқшилайди
Қуруқ косметик кремлар			
Ҳар хил юз терисини парвартиш учун			
11	«Прима»	Нозматқ мойи, ёғ асос	Терини озиклантириш учун
12	«Балет»	Мойнак экстракти	Қундузи қўтқурғ қасани, ялғизлигига қасани
13	«Алые паруса»	Кремлойна экстракти, четан меваси дамламаси	Ақинни текислайди, терида эластиклик беради
Қуруқ ва нормал юз терисини парвартиш учун			
14	«Экспелла»	Элеутерококк экстракти	Модда алмашинувини яқшилаб, томирларни кенгайтиради
15	«Авалита»	Маралсуюқ экстракти, витамин А	Юз, бўйин терисини сўлишининг олдини олади, қимматли, тонус беради
16	«Клубничный»	Қултқай шарбати	Сўлишининг олдини олади
17	«Ромашковый Пренельс»	Мойнак экстракти	Дисензияция қилди, ялғизлигига қасани
18	«Облепиховый»	Чаканда экстракти, прополис, норка мойи	Ақин ҳосил бўлишининг олдини олади
19	«Алёнушка»	Мойнак, буймадорон, дала қурбўғини дамламаси, витамин F	Терини қимматли, эластиклик беради
20	«Марица»	Аминокислоталарга, микроэлементларга, В, РР витаминларга бой ўсимликлар экстракти	Теридаги қон айланишини яқшилайди, тери тортишим ва қурмилганини йўқотади
21	«Ромашка»	Мойнак экстракти	Қуруқ терини модда алмашинувини яқшилаб, эластик ва пивақурғ беради
22	«Принцесса»	Сибирь пивақурғидан олинган экстракт	Терини тозалайди
Ёғли юз терисини парвартиш учун			
23	«Виктория»	Қултқай шарбати	Терини қимматли тозалайди, эрта сўлишдан асрайди
24	«Косметический»	Қурбўғини, витамин F	Терида модда алмашинувини яқшилаб, ҳужайралар ялғизлигини тезлатади
Нисоблар			
25	«Лесная нимфа»	Жень-шень биомассасидан сув-спиртли ақралма	Тери ҳужайраларида оғиз ва ёғ модда алмашинувини яқшилайди
26	«Вита»	Буймадорон экстракти	Қуруқ юз терисини қурбўғинлардан тозалайди, терини тонус беради

(Давоми 7-бетда).

КОСМЕТОЛОГИЯДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

27	«Албунушка»	Мойнечақ, буймадорон, дала қурқобуғини дамламаси, витамин F	Тери қон айланганини яқинлайди, қомчилик беради
28	Танани массажи қилиш учун крем «Балет»	Мойнечақ ва эвкалипт мойи, камфора, пантолен, қашқарот мойи, витамин А	Тери фаолиятини яқинлайди, қомчилик беради
Қўлларни парвардилаш учун кремлар			
29	«Белор»	Мойнечақ экстракти, витамин E	Мойна ёрилган терни ва ялангачликни даволайди
30	«Элегия»	Қарагайдан витаминли концентрат	Тирноқ атрофидаги терни озиқлантиради, тинчлиги ва рангли жонлантиради
31	«Беремиль»	Оқоғдан кундаги дамламаси	Терни қомчилади
Оёқларни парвардилаш учун кремлар			
32	«Эффект»	Спиртсиз, камфора, қарагайнинг хлорофилли	Антисептик, ноғуш хидин йўқотди, яраларни даволайди, оёқ тагини қомчилади, эластик қилгани яқинлайди
33	«Зелен»	Оқоғдан (суяк) дамламаси, помидор ўруви	Бактерицид, ташқирга оғ, оёқ терисини қомчилади, эластиклик беради
34	«Беллест» для ног»	Доривор ўтлар дамламаси	Ҳарқоримани йўқотди, ёрилган оёқнинг оқидини оқиди, қотиб қолган жонсиз қилгани туширади

(Давоми. Боши 6-бетда).

Юқорида берилган маълумотлар косметологияда қўлланиладиган доривор ўсимликлар билан танишиб, косметология амалиётида янги доривор ўсимлик хом ашёсини тақдим этиш учун илк бор йўлланма бўлиб ҳисобланади.

Хулоса

1. Доривор ўсимлик маҳсулотлари косметик дерматологияда кенг қўлланилади.
2. Доривор ўсимлик маҳсулотлари косметологияда кенг миқёсда қўлланиладиган кремлар, лосьон, малҳам ва бошқа воситалар таркибига кирди.
3. Доривор ўсимлик маҳсулотлари эфир мойлари, ошловчи моддалар, полисахаридлар, витаминлар, микроэлементларга бой маҳсулотлар бўлиб, улар тери қайта ўз холига келиши (ёшариши)га, ҳар хил тошмалар, хуснбузарлар, яраларни даволашга, доғлардан халос бўлишга, сочлар тўғри ўсишига, оёқ ва қўлдаги тери нуқсонларини даволашга, тирноқлар қайта тикланишига ёрдам беради. Бу маълумотлар косметология амалиётида янги дори препаратлари яратилиши долзарблигини кўрсатади.
4. Фармацевтикада ишлатиладиган доривор препаратларнинг кенг миқёсда кўпайтирилиши ва косметик воситалар иложи борича ўзимизда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш келажакдаги вазирамиз деб ўйлаймиз.

**М. ХЎЖАЕВА,
Ш. АЗИЗОВ, Д. СОДИҚОВА.
Тошкент фармацевтика институти.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2013 йил 26 июндаги 9-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг ўз хоҳишига кўра тугатилиши тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Қурув номи	Тиббий фаолият ва почта мазоли	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Қўқорғон тумани, 4-маҳалла, 28-ўй, 29-қаватдан	"MARTIN-MED" ҳусусий корхонаси	Ў-0000 24.09.2008 й. Берилган 0108-01
2	Тошкент шаҳри	Чилансар тумани, Сават 2-тар бўғайи, 28-ўй	"KROTI-IMVEST" ҳусусий корхонаси	17.01.2013 й. Берилган
3	Тошкент вилояти	Бўғотама тумани, Хўжабек шаҳри, Мустақиллик бўғайи, 1-ўй	"BIOLOGON" МЧК	ПВ-0588 27.07.2010 й. Берилган
4	Тошкент вилояти	Чирчиқ шаҳри, А. Навоий шаҳричаси, 2-ўй, 29-қаватдан	"DOKTOR ARBACH STOMATOLOGIYAM" МЧК	Ў-0000 21.05.2010 й. Берилган
5	Тошкент вилояти	Ватанлик тумани, Ватанлик шаҳри, Умумий бўғайи, 33-ўй	"AZIYA-YANGIYOL-SHIFO" ҳусусий корхонаси	0718-01 27.12.2012 й. Берилган
6	Навоий вилояти	Навоий шаҳри, П. Очлов бўғайи, 30-ўй, 30-қаватдан	"STOMA BEHTAS-MARTIUM" ҳусусий корхонаси	Ў-0000 20.04.2010 й. Берилган
7	Навоий вилояти	Учқўрғон шаҳри, К. Дўстлик бўғайи, 18-ўй, 1-қаватдан	"DORODUS-STAMATOLOGIYA" ҳусусий корхонаси	1413-01 17.07.2012 й. Берилган
8	Қашқадарё вилояти	Қосон шаҳри, Ш. Рашидов бўғайи, 69-ўй	"SIBIRNIY NARODNIY-SHIFO" ҳусусий тиббий корхона	Ў-0000 20.04.2010 й. Берилган
9	Қашқадарё вилояти	Қарша шаҳри, Ўзбекистон бўғайи, 28-ўй, 8-қаватдан	"ELMASCORRECT" ҳусусий корхонаси	Ў-0000 20.04.2010 й. Берилган
10	Фарғона вилояти	Тошкент тумани, Тошкент шаҳричаси, А. Навоий бўғайи, 12-ўй	"TOPIKOV SHIFO M'YUNOZASH" МЧК	Ў-0164 28.10.2010 й. Берилган
11	Андижон вилояти	Шаҳристон тумани, Шаҳристон шаҳри, Оқманит бўғайи, 2-ўй	"LUTFALLO ZARTARI" ҳусусий корхонаси	Ў-0001 21.05.2010 й. Берилган
12	Андижон вилояти	Шаҳристон тумани, Шаҳристон шаҳри, Янги йил МФЙ, Ж. Насридоданов бўғайи, 2-ўй	"KOBUNTU-SHIFO" МЧК	Ў-0409 20.01.2010 й. Берилган
13	Самарқанд вилояти	Қўдрабег тумани, Панаг ЮВР, Буюкқўдан шаҳричаси	"DAMIROVA SYBIRAT TO'LLIBSIZMA" ҳусусий шафохонаси	Ў-0168 28.07.2008 й. Берилган
14	Бунёд вилояти	Ғилдуван шаҳри, Ю. Хамидов бўғайи, 137/1	"ALBEX ALBEX STOM" ҳусусий корхонаси	Ў-0465 27.02.2010 й. Берилган

Дил изҳори

УМРИНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН

Термиз туманидаги Жайронхона шифохонасига қаттиқ бош оғриғи билан, деярли юролмасдан келиб, тез кунда аҳолим ўнглади. Бош шифокор Б. Аҳмедовнинг ҳар қуни муассасани кўздан кечириб чиқиши, беморлар билан учрашиб, қандай камчили борлигини сўраши бу ерда тартиб-интизом ҳамда даволаш жараёни намунали ташкил этилишига асос бўлаётганини бир бемор сифатида тушуниб етдим.

Менга парафин, табиий қум билан даволаш катта наф берди. Бош оғриғим қолди, оёғимдаги оғриқ анча енгиллашди. Умуртқа поғонами за-

монавий каравотда даволашлари туфайли ҳарқатларим фаоллашди. Шифокорлар А. Нуриддинов, М. Курбонов, ҳамширалар С. Бойматова, Б. Мусурмонкулова барча имкониятларни ишга солиб, соғлигимни тиклашга ёрдам бердилар. Қўли енгил, сўзи малҳам шундай шифокорлар борлиги учун ҳам биз беморлар кўнглимиз илинж ва умидга тўлиб, шифохонадан ўз оиламиз бағрига қайтамиз. Қўлингиз асло дард кўрмасин, азизлар.

**Бибигул САДАТОВА,
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани.**

Советы специалиста

КЛИНИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ЛЕКАРСТВЕННОЙ АЛЛЕРГИИ

Проявления лекарственной аллергии характеризуются большим полиморфизмом. Наиболее часто отмечаются кожные аллергии на введение медикаментозных средств. Наблюдаются различного рода экзантемы, аллергический дерматит, крапивница, ангиоотек, изолированный или в сочетании с аллергическим поражением полости рта, органов дыхания, брюшной полости. Системные аллергические реакции чаще всего развиваются у лиц с высоким уровнем предшествующей сенсибилизации к лекарственным препаратам.

Возникновению системных аллергических реакций способствуют семейное предрасположение к аллергической патологии, в том числе к лекарственной аллергии, наличие предшествующих аллергических реакций и заболеваний. Анафилактический шок – наиболее тяжелое системное проявление лекарственной аллергии. Чаще всего его развитие связано с введением антибиотиков, местных анестетиков. Случаи анафилактического шока возможны при любом способе введения лекарственных соединений, но чаще они регистрируются при любом способе введения лекарственных препаратов у лиц с воспалительными заболеваниями вирусного и бактериального происхождения, имевших ранее те или иные аллергические проявления. Лекарственный анафилактический шок характеризуется спазмами мышц тонкого кишечника (с возникновением рвоты, поноса) и бронхов (в виде удушья, со снижением артериального давления и развитием сосудистого коллапса), нарушением коронарного и мозгового кровообращения, отеком гортани, легких и мозга. Одна из системных аллергических реакций на лекарственные препараты – сывороточная болезнь. Возникновение сывороточной болезни может отмечаться после введения противостолбнячной, противодифтерийной, противоботулинической, антирабической сыворотки, иммуноглобулинов, столбнячного анатоксина. Сравнительно реже причинами ее бывают переливание крови и плазмы крови, введение инсулина, адренокортикостероидного гормона, антибиотиков, сульфаниламидов.

При крапивнице и ангиоотеке в аллергический процесс может вовлекаться слизистая оболочка желудочно-кишечного тракта с появлением болей в животе, тошноты, рвоты. При этом, у некоторых больных развивается клиническая картина, напоминающая «острый живот». В случаях распространения ангиотеки в области лица, волосистой части головы в аллергический процесс могут вовлекаться мозговые оболочки, мозг, внутреннее ухо. Возможно развитие менингеального синдрома, судорог, иногда синдрома Меньера.

К редким проявлениям лекарственной аллергии относятся эозинофильный легочный инфильтрат (синдром Леффлера) и аллергический альвеолит может развиваться при применении метотрексата, производных нитрофурана, стрептомицина, препаратов гипофиза. Сравнительно реже лекарственная аллергия является причиной возникновения многоформной экссудативной эритемы, узловой эритемы, синдрома Лайелла и синдрома Стивенса-Джонсона; при последнем в аллергический процесс вовлекается слизистая оболочка.

Для предупреждения развития случаев аллергических реакций на лекарственные средства профилактические мероприятия осуществляются в двух направлениях: первичная профилактика лекарственной аллергии ставит целью предупредить развитие лекарственной аллергии на основе исключения полипрагмазии, не применения пенициллина у больных с грибковыми заболеваниями, отказа от применения антибиотиков с профилактической целью, обязательным изучением анамнеза при назначении любой фармакотерапии, замены высокоаллергенных препаратов на более безопасные. Вторичная профилактика направлена на предупреждение лекарственной аллергии у лиц, страдающих аллергическими заболеваниями.

**Г. ГАЙПОВА,
НИИ эпидемиологии,
микробиологии и
инфекционных
заболеваний МЗ РУз.**

Спорт

НОВЫЕ СТАРТЫ - НОВЫЕ ЧЕМПИОНЫ

В апреле нынешнего года в Алмазарском районе города Ташкента начала работать детско-юношеская спортивная школа № 33. Теперь у мальчишек и девчонок близлежащих массивов появилась возможность приобщиться к спорту, здоровому образу жизни, получить закалку тела и духа.

нов (баттерфляй – 38,08), Дониёр Мирзатуллаев (вольный стиль – 36,83).

Есть возможность укрепить здоровье и детям с ограниченными физическими возможностями и паралимпийцам.

вание) – всегда готовы подсказать, помочь войти в спортивный мир, получить навыки, базу для дальнейших самостоятельных тренировок, почувствовать вкус настоящего успеха борьбы



ДЮСШ-33 представила им возможность заняться борьбой турон, водным слаломом, греблей на байдарках и каноэ, плаванием и атлетической гимнастикой в зале тяжелой атлетики.

Уже в конце июня девочки и мальчики от 7 до 13 лет приняли участие в открытом первенстве по плаванию

“Лето-2013”, которое проводилось в ДЮСШ, каждый мог выбрать стиль плавания по своим возможностям: брасс, баттерфляй, кроль, на спине, вольный. Среди отличившихся в плавании – Анастасия Соколова (спина – 46,27, баттерфляй – 47,55), Абдулло Мухаммаджонов (спина – 49,49) Суннатилло Мухаммаджо-

Ну а тренерский состав – Ирина Валерьяновна Климанова – плавание, Юрий Михайлович Мякий – водный слалом, Наталья Вячеславовна Воронина – плавание, Николай Олегович Лягин – плавание, Шавкат Озедович Исраилов – тяжелая атлетика, Константин Аполлонович Аллеко – паралимпийцы (пла-

бы над собой, а может даже и интерес к лидерству, к победе над болезнью, над своей слабостью и ленью, что, кстати, немаловажно в жизни.

Так что, в ДЮСШ-33 рады своим юным посетителям.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

Бу қизик

ГУЛЛАР БИЗНИ ЭШИТАДИМИ?

Хонадонингизда сўлий бошлаган гулга сув қуйиш баробарида: “Тутиб кетади, ҳали бақувват!” дея оғзаки ёки фикран далда бериб боринг. Бир неча кун ўтмай қарабсизки, қурий бошлаган гул сизнинг ёрдамингизда яна жонланади. Ва ёки аксинча: яшнаб турган гул тўғрисида: “Ие, сарғайиб борапти-ку, ҳадемай қуриб қолса керак!” денг ёки шундай ўйланг. Бир неча кун ичидаёқ у қовжирай бошлайди.

Биоқувватахбор фани амалиётида бундан ҳам қизиқроқ тажрибалар ўтказилган. Ҳосил бермаётган дарахт ёнига болта қўтариб борилган ва: “Агар бу йил ҳам мева тугмаса кесиб ташлаш керак”, деб “пўписа” қилинган. Қарангки, “қўрқиб кетган” дарахт ўша йилиёқ ҳосил берган. Кўпни кўрган боғбонлар бу фикрни тасдиқлаб, шунга ўхшаш мисолларни айтиб беришлари мумкин.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

- Тухумнинг хом ёки қайнатилганлигини билиш учун уни стол устида айлантириб кўринг: тухум қайнатилган бўлса кўлингизни олганингиздан сўнг ҳам айланаверади, хом бўлса бирикки айланиб тўхтайд.
- Агар музхонангизда ёқимсиз хид пайдо бўлса, қора нонни бўлақларга бўлиб, музхонанинг ҳар жойига ташлаб қўйинг. Бир кундан сўнг хид йўқолади.
- Қайнаётган кофега бир чимдим туз ташла-сангиз, лаззатлироқ бўлади.
- Ичига қийма солинадиган қарам туз-сиз пиширилади, акс ҳолда кўп суюқлик

ажралиб чиқиб, қийма хомроқ бўлиб қолади.

- Салатни ва умуман ҳар қандай егуликни бодрингдан ясалган «елпигич» билан безатиш мумкин. Бунинг учун барра бодринглар узунасига, лекин охиригача эмас, юпқа кесиб, сўнг ёйилади.
- Помидорни сирли идишга солиб, устини ёпмасдан музлаткичнинг пастки токчасига қўйилса, узоқ сақланади.
- Энг серсув сабзи меваси калта ва йўғон бўлади. Бу сабзи салатларга қўшилади ва маринад қилинади.

ТУЗНИ БИЛИБ ИШЛАТИНГ

- Сутга бир чимдим туз ташласангиз, анча вақтгача ачимасдан туради.
- Балиқни ўта шўр сувда ювиб юборсангиз, ундаги балчиқ ҳиди йўқолади.
- Нон сақланаётган идишга туз ташлаб қўйсангиз, нон моғорламайди.
- Совуқ кунларда ёйилган кир музлаб қолмаслиги учун тузли сувда чайиб олинг.
- Қуриб қолган ёнғоқни 4-5 кун намакоб сувга солиб қўйсангиз нами ва таъми тикланади.
- Сабзавотларни тузли сувда қайнатсангиз,

фойдали моддалари сақланиб қолади.

- Қорайиб кетган това ва қозонларни туз ёрдамида тозалаш мумкин. Бунинг учун уларни қизитиб туз билан ишқанг, кейин қоғозда артинг.
- Гўшти шўрвага тузни пишишдан ярим соат олдин соласиз, балиқ шўрвага эса қайнаб чиққан захотиёқ туз ташлайсиз.
- Гўшни лўнда-лўнда қилиб пишираётганда у тайёр бўлиши олдиан туз соласиз, акс ҳолда сели қочиб, қаттиқ бўлиб қолади.

ЁН ДАФТАРИНГИЗГА

- Инсон темир иродаси билан меҳнатини ўзининг зарур эҳтиёжига айлантирмоғи лозим.
- Меҳнат қилган яхши, лекин ишнинг кўзини билган ундан ҳам яхши.

- Ҳар бир киши одамларнинг ҳурматига сазовор бўлишни истаса, у қуруқ гап билан эмас, амалий иш билан ўзини кўрсатиши керак, чунки одам сергап, маҳмадонларни эмас, балки ишчан кишиларни юракдан ҳурмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги
Жазони ижро этиш бош бошқармаси
тизимдаги шифокорлик
лавозимларига ишга қабул қилишни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирадаги офицер унвонига эга бўлган, ёши 35 дан ошмаган, жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, олий маълумотли, шифокорлик дипломига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга таклиф қилади.

Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизмати талаблари асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани,
Фаргона йўли кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: 291-59-02, 291-93-06.

Обуна – 2013

Ҳурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение Узбекистана»

газетасига 2013 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун

обуна мавсуми давом этмоқда.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгилликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти Сурхондарё вилояти руҳий касалликлар шифохонаси бош врач

Менгдобил Сафарович МЕНГТУРАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Коллектив кафедры психиатрии и психотерапии ТашИУВ выражает глубокое соболезнование и искреннее прискорбие родным и близким, а также коллективу больницы по поводу скоростижной кончины главного врача Сурхандарьинской областной психиатрической больницы

МЕНГТУРАЕВА Менгдобила Сафаровича.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек Худаяров
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат Соатова

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5991 нусха.
Буюртма Г-745.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚўШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

